



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 25 август, жума № 33 (416)

Сотувда нархи эркин



Мустақиллик йилларида бунёд этилган «Самарқанд телеком» шўба корхонаси биноси. Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

ОГОҲЛИККА ДАВЪАТ

«Тошкент почтамити» ҳиссадорлик жамияти корхонасида мамлакатимиз жанубидаги воқеалар муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Уни корхона директори Ю. Мирсоатов оқди ва Сурхондарё вилоятининг Сароисиё ҳамда Узун туманларида бўлаётган воқеалар ҳусусида йиғилганларга сўзлаб берди, корхонада ҳушёрликни янада ошириш лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг корхона директорининг биринчи уринбосари К. Алимов, ҳуқуқшунос В. Шевеллар сўзга чиқиб, ушбу воқеаларга ўз муносабатларини билдиришди.

Нурали НОРМАТ ўтли

ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

Бугунги кунда мамлакатимиз чегараларидаги нотинчлик ҳеч кимни бепарқ қолдираётгани йўқ. Юртимиз жаҳонга юз тутмоқда. Ўзбекистоннинг олдинга силжишини қура олмаётган ғаламислар халқимизни нотинч қилишга уринишмоқда. Халқимизда «Ит хурар, карвон ўтар» деган мақол бор. Тоғу тошларда дайдиб юрган ватангадоларга эътибор бермасангиз, қоғиб олиши ҳеч гап эмас. Модомики шундай экан, ҳар биримиз ҳаммisha ҳушёрликни қўлдан бермаслигимиз керак.

Фашизм билан бўлган жан-

гларда юртдошимиз генерал Собир Раҳимов фашист зобити Фрикке билан учрашувда «Кимки юртимизга қурол кўтариб келса, у шу қурол билан ўз бошини ўзи ейди» деган эди.

Бугун халқимизни нотинч қилиб, қурол кўтариб келганлар мурдаси тоғу тошларда қолиб кетмоқда. Халқ қаҳразабага учраган бу газандаларни бизнинг сергак аскарларимиз тағ-туғи билан яқсон қилишига ишонамиз.

А. ҒАФФОРОВ,
«Самарқанд почтаси»
ҲҲ директори

МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

1. Мустақиллик байрамининг 9 йиллигини нишонлаш арафасидамыз. Утган вақт мобайнида рўй берган қайси воқеалар, ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?

2. Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан ўзингиз мустақиллиқни мустақамлаш учун қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?

Толиб ЖАББОРОВ,
«Сирдарё Телеком» ҲҲ
Гулистон шаҳар бўлими
DTS-2000 станцияси
етакчи муҳандиси:

1. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ўтган тўққиз йил давомида қўлга киритилган ютуқларимиз республикамизнинг гуллаб-яшнаши, қадриятларимизнинг тикланиши, жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тан олинishi, буюк бобокалонларимиз Амир Темура, Жалолiddин Манғуберди, Ат-Термизий, Имом Ал-Бухорийларнинг табарруқ номлари ва уларнинг мероси жаҳонга кўз-кўз қилинаётганлиги ҳар бир ўзини ва-

танпарвар деб ҳисоблаган юртимиз фуқароси учун буюк бахт деб биламан.

Республикамиз халқ хўжалигининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган телекоммуникация мустақиллик йиллари қай даражада ривожланиётганини биргина бизнинг вилоятимиз мисолида аяқол қўриш мумкин. Сўнгги йилларда вилоятимизда Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси ҳамкорлигида 40 минг рақамли DTS-2000 электрон телефон станцияси ишга туширилгач, халқ хўжалиги ва аҳолини сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш борасида катта қадам қўйилди. Бу замонавий станцияни қуриб ишга туширишда ва

кейинчалик замонавий рақамли электрон станцияларнинг бир меърада ва узлуксиз ишлашини таъминлашда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ маҳаллий мутахассисларимизнинг Жанубий Кореяда ма-лака ошириб келиши, жаҳон андозаларига мос келадиган телекоммуникация жиҳозларининг ишлаб чиқарилишини ўз кўзлари билан қўриб, бу жараён билан ақиндан танишишлари ҳам мустақиллик шарофати деб биламан.

2. Албатта, мустақилликнинг қўлга киритилиши, унинг ривожланиши ва мустақамланиши ўз-ўзидан бўлмайди.

Мустақиллигимизни мустақамлаш, уни асраб-авайлаш, репуб-

ликамининг гуллаб-яшнашига ёмон кўз билан қаровчи ички ва ташқи душманларга нисбатан аёвсиз бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Шундай экан, республикамизнинг ҳар бир фуқароси, шу юртни ўз ватани деб билган ҳар бир инсон ўз иш жойида, яшаш жойида, ишлаб қўлчиришда, ўқишда жонбозлик кўрсатиши, Президентимиз раҳнамолигида жаҳон ҳамжамиятида республикамизнинг муносиб ўрин эгаллашида ўз ҳиссасини қўлиши шарт деб биламан. Фақат шундагина Ўзбекистон келажақда гуллаб-яшнаган буюк давлат бўлиши муқаррардир.

А. ҲОТАМОВ ёзиб олди

МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚАЙ АҲВОЛДА?

● Муаммо
● Мулоҳаза

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазибаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тугрисида»ги Қонунига мувофиқ «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси газета дўконлари ва «Ўзбекистон почтаси» ДАК почта алоқа бўлимлари мижозларга кўрсатилаётган алоқа хизматлари тугрисида зарур маълумотларни тақдим этишлари керак.

Жорий йилнинг II-чораги давомида мижозларга кўрсатилаётган алоқа хизматларини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг барча вилоятларидаги газета дўконлари ва почта алоқаси бўлимларининг 10 фоизга яқини Давлат алоқа инспекцияси ходимлари томонидан текширилди. Текшириш жараёнида газета дўконларининг фақат учдан бир қисмида шикоят ва тақлифлар китобининг мавжудлиги, уларнинг яриמדан кўлида эса газета дўконисининг фемияси, иш вақти ҳамда рақбар ташкилот тугрисидаги маълумотлар кўрсатилмаганлиги аниқланди.

Ҳар учта газета дўконидан бирида даврий нашрларининг келиб тушиш вақти, сотилаётган маҳсулот бўйича нархномаси ва яқин орада жойлашган бошқа газета дўконлари тугрисида маълумотлар йўқлиги қайд қилинди.

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида аҳвол қўнғилдагидек эмас.

Кўпгина вилоятларда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини ҳисобга олмаганда, газета дўконларининг эс-

тетик безатилиши оддий талабларга ҳам жавоб бермайди.

Почта алоқаси бўлимларидаги текширишлар натижаси таҳлил қилинганда мижозлар учун тўлиқ маълумотлар мавжуд эмаслиги аниқланди. Айниқса, бу борада Сурхондарё, Жиззах, Навоий вилоятларида аҳвол ачинарлидир. Қолган вилоятлар ҳам бу камчиликлардан бутунлай халос бўлишолмапти. Масалан, текширишларда аниқланган туртта алоқа бўлиמידан фақат биттасида кўрсатилаётган хизмат учун имтиёзлар рўйхати мавжуд бўлса, ҳар бешта алоқа бўлиמידан биттасида эса тақдим этилаётган хизмат турлари, рақбар ташкилот тугрисида маълумотлар йўқ ва уларнинг эстетик қўрилиши ўрнатилган талабларга мувофиқ эмас.

Шунингдек, ҳар учта алоқа бўлиמידан биттасида почта жўнатмаларини тахлаб, жойлаштириш ва манзилни расмийлаштириш тартиби тугрисидаги маълумотлар умуман йўқ. Текшириш жараёнида шу нарса аниқландики, бундай ҳолат республикамизнинг деярли ҳамма вилоятларида учрайди. Бу камчиликларни бартараф қилиш учун эса кескин чоралар қўриш вақти етди. Агар бу иш тезда амалга оширилмас экан, почта алоқаси корхоналари обрўсини тушириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Юқорида қайд этилган камчиликлардан вилоятларидаги почта алоқаси ва «Матбуот тарқатувчи» корхонаси рақбарлари ўзларига тегишли ҳулоса чиқариб олади ва камчиликларни бартараф этишлари деб умид қиламиз.

Р. МУҲАМЕДОВА,
Давлат алоқа
инспекцияси бошлиғи
ўринбосари

АЛОҚАЧИ КЕЛДИЕВЛАР

Термизда бўлганимда қизиқ воқеанинг шохиди бўлдим. Оддий узбек хонадонининг барча оила аъзолари алоқачи эканлигини бир тасаввур этиб қуринг-а. Ҳа, бу ерда шундай оила бор экан. У Келдиевлар оиласи.

Оила бошлиғи Худойберди Келдиев Тошкент электротехника алоқа институтининг кўп каналли электр алоқаси факультетини 1974 йили тугатган ва иш фаолиятини Сурхондарё алоқа бошқармасининг лабораториясида муҳандисликдан бошлаган. Лабораторияда икки йил ишлаган ёш муҳандисдаги истеъдод ва ишга чанқоқликни сезган корхона раҳбарлари уни Жарқурғон тумани алоқа қорхонасига бошлиқ этиб тайинлашади. Уша вақтда Жарқурғонда алоқа қорхонасининг янги биноси қурилиши бошланган, барча электралоқа жиҳозлари янги бинога кўчирилиши керак эди. Беш йил мобайнида катта тажриба орттирган Худойберди ака Термиз шаҳар алоқа боғламаси бошлиғи вазифасига муносиб кўрилади. Вилёят марказида у раҳбарлик қилган йиллари янги алоқа уйи қурилди. Электр алоқасининг барча мажмуаси янги бинога кўчирилди. Х. Келдиев у ерда саккиз йил ишлаб, алоқа хизмати ривожига катта ҳисса қўшди. Саломатлиги ёмонлашгач, шаҳарлараро телефон станциясига ишга утказилди. Мана бир неча йилдирки, «Сурхондарё Телеком» шўъба қорхонасининг линия аппарат цехида мухтафассислиги бўйича

муҳандислик қилиб келмоқда.

Матлуба Исманова Худойберди аканиннг умр йўлдоши. Тошкент электротехника алоқа институтининг кўп каналли электр алоқаси факультетини 1976 йили тугатган. Асли андижонлик. Худойберди ака билан талабалик йиллари танишишган ва ота-оналарининг розилиги билан турмуш қуришган. 1976 йили институтни тугатгач, Термизга ишга юборилган. Матлуба опаниннг Термизга келиши Худойберди аканиннг Жарқурғонга ишга тайинлангани даврига тўғри келган. Эр-хотин алоқачилар Жарқурғонда туман электралоқа хизматининг яхшиланishiда самарали меҳнат қилди. Худойберди ака Термизга ишга тайинлангач, Матлуба опа шаҳарлараро телефон станциясида ригаликлар монтаж қилаётган шаҳарлараро автомат-телефон станцияси қурилишида ишлади. Кейинчалик вилёят бошқармасининг назорат бўлими бошлиғи вазифасига тайинланди. Опаниннг уз ишини пухта билиши, тез кунда бўлимда ўрнатилган тартиб раҳбарлар назоратига тушиб, уни «Сурхондарё Телеком» шўъба қорхонасининг ходимлар бўлимига бошлиқ вазифасига тайинлашади.

Жамшид Келдиев опаниннг тўнғич фарзанди. Тошкент электротехника алоқа институтини 1997 йили тугаллаган. Сурхондарё вилёяти ички ишлар бошқармасининг

алоқа хизматидеа ишламоқда.

Ҳасан ва Ҳусан Келдиевлар Тошкент электротехника алоқа институтининг 3-курсини тугатишган. Таътил кунлари алоқа қорхоналарида вақтинчалик ишлаб, тажриба орттиришмоқда.

Зулайхо Келдиева опаниннг кенжа фарзанди. У ҳозирча урта мак-

– Қушилариимиз бизга тез-тез мурожаат қилиб туришар, баъзан носоз телефон аппаратларини кутариб келишар, тузатиб берсак хурсанд бўлиб кетишар эди. Онаси билан ҳамкасблгимиз, бирга ишлашимиз боис уйда ҳам сўхбатимиз ишимизга доир масалалар ҳақида бўларди. Бошқача қилиб айтганда,



табнинг 9-синфини аёло баҳолар билан тугатди. Орузси – ота-оналарига ўшаб алоқачи бўлишдир.

Худойберди ака ва Матлуба опаниннг ҳаммавақт ҳамфикр бўлиб, ҳаёт таъшишларини ҳам, қувончларини ҳам баробар баҳам қўриб, аҳил яшаб келаётганликларига ҳавасим келди ва уларни сўхбатга тортдим.

– Фарзандларингизнинг алоқачи бўлишига нима сабаб бўлди?

ишхонадаги иш уйда ҳам давом этарди. Болалар бироз улғайишгач, раҳбарлар ҳам, ҳамкасблар ҳам бизни ҳурмат қилишларини, устоз-шогирд муносабатларини тушуна бошладим. Кези келганида айтиб қўям, менинг устозим Сурхондарё давлат электралоқа ишлаб чиқариш қорхонасига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Олим ака Эшонқовдир. Ишга янги келган кезларимда мени қўллаб-қувватлаб, қимматли

маслаҳатлар бериб, иш ургатиб, ёрдам бериб келганлар. У кишини устоз сифатида жуда ҳурмат қиламан. Болаларимизга балки шу нарсалар туртки бўлгандир. Алоқачилик касбини узлари танлашди. Биз онаси билан қаршилик қилганимиз йўқ, – дейди Худойберди ака. Матлуба опа эса: «Алоқачилик касби болаларимизга сут билан кирди» дея қўшиб қўйди.

– Алоқачилик касби ҳақида нималар дея olasiz?

– Алоқачилар доимо одамлар орасида бўлади. Атрофдаги узғаришлар, бунёдкорлик ишлари, турли тадбирлар, хуллас кундалик ҳаётимизнинг барча жаҳалларини алоқачининг хизматисиз тасаввур этиш қийин. Яна бир нарса – алоқа техникаси ва технологияси кундан-кунга тақомиллашиб, мураккаблашиб бормоқда. Демак, яхши мутахассис бўлиш учун тинмай изланиш, ишлаш керак.

Моддий томондан оладиган бўлсак, мана биз чорак асрдан буюн шу касбда ишлаб келяпмиз. Оч қўлмадик, бойиб ҳам кетмадик, – деди Худойберди ака. Матлуба опа эрининг галига қулиб қўйди.

Очилигини айтсам «Хабар»нинг мухбири сифатида бу саволни бошқа алоқачиларга ҳам берганман. Лекин «оч қўлмадик, бойиб ҳам кетмадик» деган самимий ва лўнда жавобни эса биринчи бор эшиттишим. Таъддиқ маъносидеа мен ҳам қулиб қўя қолдим.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Муаллиф суратга олган.

ДИПЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Бир гуруҳ террорчиларнинг юрти-мизга тақовуз қилиши халқимизни ниҳоятда газаблантирди. Қалбларда тинчлигимизни, мустақиллигимизни қўрқолмаётган террорчиларга нисбатан нафрат туйғуларни уйғонди. Шу муносабат билан жоиларда барчани огоҳлиқка даъват этуви, Ватан ҳимо-ясига чорловчи ййгилишлар утказилмоқда.

«Самарқанд Телеком» шўъба кор-

хонаси жамоасидеа ҳам ана шундай ййгилиш бўлиб утди. Уни қорхона бош директори Х. Ҳақимов очиб, Сурхондарёдаги аҳвол, ҳарбийларимизнинг душманга қарши ҳаракатлари, уларнинг вазиятни тўла назоратга олганликлари ҳақида гапирди.

«Самарқанд Телеком» шўъба қорхонасининг Челябинск филиали бошлиғи А. Тоштемиров, вилёят алоқа ходимлари бирлашган касабда уюшмаси қўмита-

си раиси Т. Раҳматов ва бошқалар сузга чиқибди. Ватанимиз ҳудудида сўқулиб кирмоқчи булганлар қора ниётларига ега олмасликларини таъкидладилар, мамлакатимиз чеғараларини янда мустаҳкамлаш, ҳарбийларимизга яқиндан қўмак беришга ҳамиша тайёр эканликларини билдирдилар.

Зебо ХУДОЁРОВА, Самарқанд вилёяти

ФИНАЛ УЙИНЛАРИГА МАРҲАМАТ

Барча футбол ишқибозларини Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Алоқа ходимлари касабда уюшмаси маркази қўмитасининг Кубоги учун утказилаётган турнирнинг ярим финал ҳамда финал ўйинларига тақдир этиамиз.

Ўйинлар Алоқа коллежи спорт залида қўйидаги тартибда утказилди:

Ярим финал ўйинлари:

«Ўздурробита» — ФТМТМ	28.08.00 й.	18.00
«Алоқабанк» — ДФХ	28.08.00 й.	19.30

Финал ўйинлари:

3-4 ўрин учун утадиган ўйин	29.08.00 й.	16.00
1-2 ўрин учун утадиган ўйин	29.08.00 й.	17.30

Ғолиблар 29.08.00 й. 18.30 да Алоқа коллежида тақдирланади.

МИЖОЗЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Қашқадарё вилёятида қўрсатилган алоқа хизматлари учун ҳисоб-китобларни уз вақтида олиб бориш мақсадидеа «Қашқадарё Телеком» шўъба қорхонасининг Қарши шаҳар филиалида «Автоинформатор» ишга туширилди. Ушбу «Автоинформатор» бир соатда 50-55 та телефон эғаларига телефондан фойдаланганиклари учун қарзларни уз вақтида тўлаб боришлари ҳақида маълумотларни 35-45 лақча ичида узбек ва рус тилларида эслаиб туради.

Аҳоли ва ташкилотларда телефон хизматидан бўлган дебитор қарздорликни қаматиришида «Автоинформатор» хизмати қўл келмоқда.

А. ХАЛИЛОВ, «Қашқадарё Телеком» шўъба қорхонаси электралоқа бўлими менежери

БОСҚИНЧИЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Сурхондарё вилёятининг Узун ва Сарисийё туманлари тоғ тизмаларида содир бўлаётган воқеалар «Фарғона почтаси» ҳиссасдорлик жамияти ишчи-хизматчиларини ҳам бефарқ қолдирмади. Қорхонада ушбу воқеага бағишланган ййгилишда ҳиссасдорлик жамияти директорининг биринчи уринбосари Я. Мадмаров сузга чиқди. У қабих ниётли террорчиларнинг азиз ватанимизни гиёҳқандлик ва диний экстремизм ҳудудида айлантририш каби қора ниётларини қаттиқ қоралади.

Ййгилишда газандалар билан бўлган тўқнашувларда шахид бўлган асқар ййгитларимизнинг яқинларига ҳамдардлик ҳар биримизнинг юрагимизда кечаётганлиги таъкидланди. Тинч, осуда ҳаётимизни бузмўқчи булганлар шаънига лаънатлар айтилди.

Бундай ёвуз кимсаларнинг ниётлари ҳеч қачон амалга ошмаслиғи муқаррар. «Тинчликда фойз-баракда бор» дейди халқимиз. Муқаддас юртимизга қўл кўтарган кимсаларга шафқат қилинмайди.

У. ИСКАНДАРОВА, Фарғона вилёяти

РЕСПУБЛИКАМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Электромангнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудида олиб қирилган, сотувда бўлган ва ишлатилаётган рухсатномасиз радиоэлектрон алоқа воситалари (радиотелефон, радио узаттич, радиостанциялар) мусодара қилинади ва уларни олиб қирган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қурилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини рўйхатдан утказиш ва республика ҳудудида олиб кириш учун рухсатнома расмийлаштириш масаласи бўйича Электромангнит мослашув марказига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 117-уй.

Телефонлар: 137-63-67, 137-63-68.



ДУШАНБА, 28

12.15 Кундузи сеанс: «Кейлар кулагони»...

ЧОРШАНБА, 30

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

СЕШАНБА, 29

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

00.25 «Умумий тарз эйтиб»...

7.20 «Тошкент» телеканали...

ПАЙШАНБА, 31

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

1.00 «Умумий тарз эйтиб»...

7.00 «Хамшира» Видеофилм...

7.20 «Тошкент» телеканали...

ЖУМА, 1

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

6.00 «Давр» Абборот дастури...

6.00 «Тошкент» телеканали...

ШАНБА, 2

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

6.00 «Давр» Абборот дастури...

ЯКШАНБА, 3

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

ДУШАНБА, 4

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

«Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатимиз» теледастурида олинди.

«Бешта ёмон ҳайвон бор. Улар ҳақда ҳам, ташқарида ҳам ўлдирилаверилади:

1. Илон.
2. Олақарга.
3. Сичқон.
4. Қутурган ит.
5. Калхат».

(Хадисдан)

Ривоят қиладиларки, бир куни пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳи алайҳи вассалам масжидда ўлтирганларидан бир илон келиб, у кишидан паноҳ сўрабди: «Мени яширинг, душманам қувиб келяпти», — дебди илон. Пайғамбаримиз энглари тупибдилар-да:

— Енгимнинг ичига кириб ол, — дебдилар.

Илон кириб олибди. Шу пайт бир лайлак учиб келиб:

«Менинг неъматимни енгингиздан чиқаринг, яширманг», — дебди.

— Йук, — дебдилар Расули Акрам. — У мендан паноҳ сўраб

— Ҳа, яхшиликка ёмонлик билан жавоб берамиз.

Шу пайт бир саҳобий, «Мушуклараст» деб номи чиққан киши ўзининг мушукларини эр-

саҳобий мушукларига имо қилибди. Мушуклардан бири илоннинг бошига чанг солиб, уни пайғамбаримизнинг энгларида сўгуриб олибди. Кейин бошқа мушуклар ҳам ҳужум қилиб, илонни ўлдиришди.

Шунда пайғамбаримиз ҳурсанд бўлиб, мушукларнинг орқасини силаган эканлар. Шунинг учун мушук қанчалик баянд жойдан йиқилса ҳам ерга орқаси ёки ёни билан эмас, балки тўрттала оёғи билан тушади дейдилар.

Балки юқоридаги ҳадис бу воқеадан кейин айтилганмикан. Буни, албатта Аллоҳ биледи. Валлоҳи аълам бисса-воб.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

МУШУККА МЕҲР

РИВОЯТ

келди. Илтимосини бажардим. Сен энди ўзингга бошқа емиш топгин.

Лайлак хафа бўлиб учиб кетибди. Пайғамбаримиз илонга имо қилибдилар:

— Душманнинг даф бўлди. Энди енгимдан чиқиб, йўлингга кетавер.

— Йук, — дебди илон. — Сизни чақаман, кейин кетаман.

— Ия, яхшиликка ёмонлик-ми?

гаштириб келиб қолибди.

— Ким билан гаплашасиз? — деб сўрабди саҳобий.

Пайғамбаримиз воқеани бошидан тушунтириб берибдилар.

— Қани уша илон? — дебди саҳобий. — Бошини енгингиздан чиқарсин. Бир қурай.

— Бошингни чиқар, — дебдилар пайғамбаримиз.

Илон у кишининг энгларида бошини чиқарган ҳамона



Айланавер чархпалак.

Бу — қизиқ!

ТЕЛЕТОМОША ВА САЛОМАТЛИК

Гарбий германиялик бир гуруҳ шифокорлар телетомшаларнинг ошқозон ширасига қандай таъсир қилишини ўргандилар.

Хуш, телетомшанинг ошқозон ширасига қанақа алоқаси бўлиши мумкин? Тадқиқотчиларнинг фикрича, одамнинг кайфини чоғ қиладиган қизиқарли томошалар ошқозон ширасида кислота миқдорини оширар, зерикарли томошалар аксинча, камайтирар экан.

Агар бу фикр амалда тўла исботланса, келгусида врачлар ошқозонда кислота кўп ажралишидан азоб чекадиган беморларга зерикарли телетомшалар кўришни маслаҳат бериб қолиши мумкин экан.

А. АЛИЕВ тайёрлади

ҲИКМАТЛАР

Тубан одам билан дўст тутиниб, ҳамсуҳбат бўлма, чунки унинг зарардан бошқа нафи тегмайди.

Ҳар бир мавжудот муҳаббатга муҳтождир, севишга қобил бўлмаган одам мавжд эмасдир.

Ўзининг ҳақиқий маҳбуби чиройини кўриб турган одам бошқанинг гўзаллигига қарамайди. Қараганда ҳам уни кўрмайди.

Севги-муҳаббат обрўли одамни хор қилади, тубан одамни эса ҳурматли инсонга айлантиради.

Эс-хушинг бўлса, билим олишга интил, чунки оқил одамнинг билимдон бўлиши ҳаммавақт хайрлидир.

Жамиятда бир одамнинг ёмон хулқи ҳаммага таъсир қилади. Сачраган озгина лой минг чандон кўп ҳажмдаги сувни булғайди.

Ўзингда ҳасад ҳиссини кўзғатмагил, зеро кейин ундан халос бўлишинг амри маҳолдир. Уни доволаб бўлмайди.

Доно кишининг тили уни бахтсизликдан асрайди. Ярамас кишининг тили эса, унинг бошига кулфат келтиради.

Мажди ХАВОФИЙ

САЁХАТЧИ ТОШБАҚА

Бундан бир неча йил аввал шимоллий Каролина (АҚШ) лик бир фермер тошбақа топиб олди. У бир парча қорозга ўз номи ҳамда манзилни ёзиб, тошбақа қосасига ёпиштирибди-да, жониворни қўйиб юборди.

Орадан ярим йил ўтган, фермер Херлок Огайо штатидан мактуб олди.

Мактубда: «Сизнинг тошбақангизни орқасига қайтариб юбордим. Қулинг!» деб ёзилган эди.

Қарапти, саёхатчи тошбақа ярим йилда 600 километр йўлни босиб ўтибди. Бундан кўриниб турибдики, тошбақадан хат ташуви сифатида ҳам фойдаланса булар экан.

«Алоқивест» хўсадорлик жамияти жамоаси Самарқанд алоқа кўчма механизациялашган жамланмаси бошлиғи Ш. Носировга онаси

Рашида
НАСИБОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия билдиради.

Республика радиозштитириш, радиолоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Тошкент радиотелевизион узатиш маркази бошлиғи Босит Обидрвага укаси

Восит ОБИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТўЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ
МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўлёмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.
Буюртма № Г-742.
5757 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6